Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 95 (20. 962) 1991 йил 21 май, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ПАРТИЯ ОБРЎСИНИ ИШ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин 15-18 май кунлари Ўзбекистонда бўлди. У жумҳурият ҳаёти, Ўзбекистон Компартиясининг, жойлардаги партия ташкилотларининг фаолияти билан танишди. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифаларини ҳал этиш, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий турмушда юз бераётган жараёнларга партия ташкилотларининг таъсирини кучайтириш билан боғлиқ бўлган яқин кунларга ва истиқболга мўлжалланган режалар билан қизиқди.

О. С. Шенин Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги бошланғич партия ташкилотларида ва меҳнат жамоаларида бўлди. Коммунистлар, меҳнаткашлар билан суҳбатларда турмушнинг турли соҳаларини ёритиб, КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини бажариш, жумҳурият коммунистлари Ҳаракат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ўртага қўйилди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби Ангренда бўлди, табиий офатдан зарар кўрган Жигаристон қўрғонига борди. У ҳалок бўлганларнинг оилаларига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси номидан чуқур таъзия билдирди, янги қўрғон қурилаётган жойни бориб кўрди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби Тошкентда В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

О. С. Шенин 18 май куни жумҳурият, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти партия фаоллари билан учрашувда нутқ сўзлади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, жумҳурият Президенти И. А. Каримов ҳам нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг апрель ойида бўлиб ўтган қўшма Пленуми якунлари батафсил таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Компартияси ўтказаётган қатъий, жўшқин ва изчил сиёсат мавжуд қийинчиликларнинг бартараф этилишига ишонч бағишлаётгани таъкидлаб ўтилди. Яхши меҳнат кайфияти, танг вазиятдан тезроқ чиқиб олишга интилиш — Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий вазиятни барқарорлаштириш натижасидир.

Мамлакатда иқтисодий ажрамачилик тўлқини бошланган, сиёсий кучларнинг бир-бирига қарама-қаршилиги давом этаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиб кетишини тўхтатиб қола олди. Бунда партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг иши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Партия ташкилотларининг кўпи бир неча минтақаларда коммунистлар тутган йўлга қўшилмадилар, иқтисодиётга таъсир ўтказишдан ўзларини четга олмадилар, меҳнат жамоаларининг ишончини, ҳурматини йўқотмадилар. Бу Ўзбекистон Компартияси ўтмишдаги хатоларини диққат-эътибор билан таҳлил қилиб, уларни тан олгани, бу ҳақда халққа рўй-рост гапиргани натижасидир. Бинобарин халқ ҳам партияга ишонди.

Ўзбекистон партия комитетлари ва партия ташкилотлари долзарб вазифалар мажмуини ҳал қилишда ўз кучларини қайси соҳаларга қаратишни аниқлаб олдилар. Халққа эртанги кунга ишонч бағишлайдиган кучли ижтимоий сиёсат ана шундай соҳалардан биридир. Иттифоқ шартномасининг имзоланиши гражданлар осойишталигининг сўзсиз шарти бўлади, жумҳурият аҳолиси референдумда шундай Иттифоқ учун овоз берди.

Бозор муносабатларига ўтиш жамиятнинг мулкий жиҳатдан чуқур табақаланишига, меҳнаткашларнинг ижтимоий ғалабалари тугатилишига олиб бормайдиган, аниқ бошқариладиган тусда бўлиши лозим — коммунистларнинг фикри ана шундай. Ўзбекистон партия ташкилоти Ҳаракат дастурини қабул қилаётганда устивор йўналишларни, хусусан аҳолини иш билан таъминлаш каби энг муҳим муаммолардан бирини ҳал қилишни аниқ белгилаб олди. Ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш дастури амалга оширилмоқда. Бир мисол диққатга сазовордир — яқинда бўлиб ўтган Наврўз байрами чоғида коммунистлар хайрия ва меҳр-мурувват тадбирларида фаол қатнашдилар — тўпланган анчагина маблағ камбағалларга, қарияларга, кўп болали оилаларга ёрдам беришга ажратилди.

Ана шундай аниқ-равшан ишлар партиянинг, унинг ҳар бир аъзосининг обрўсини мустаҳкамламоқда. Натижада Ўзбекистон Компартияси ички сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг мураккаблигига қарамай, бозор муносабатларига ўтиш даврида ижобий тажриба тўплади. У ўз сафларини мустаҳкамлаш юзасидан катта иш олиб бормоқда, шу сабабли партия билетларини ўз ихтиёри билан топшираётганлар сони жуда кам. Бу тажриба бошқа партия комитетларига ҳам фойдалидир.

Меҳнат жамоалари учун кучли меҳнат омилларини вужудга келтириш, товар ишлаб чиқарувчиларга эркинлик бериш ва шу билан бир вақтда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш — ишлаб чиқаришдаги таназзулни бартараф этиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг муҳим омилларидир. Демократия бошбошдоқлик билан, ошкоралик митингбозлик билан, фикрларнинг хилма-хиллиги сусткашлик ва интизомсизлик билан чиқиша олмайди, деб таъкидланди учрашувда.

Учрашувда ҳозирги пайтда партиянинг ўзида юз бераётган мураккаб, зиддиятли ва ташвишли жараёнлар тўғрисида алоҳида куйиниб гапирилди. Бунинг сабаблари кўп. Партия турмушдаги мураккаб жараёнларни таҳлил қилишда кўпинча орқада қолиб, сиёсий ташаббусни қўлдан бериб, бинобарин бу билан одамларнинг наздида обрўсини йўқотиб қўймоқда. КПСС муҳолифлари бундан фойдаланиб, партия амалий ҳаракат қилишга, демократик янгиланишга қодир эмас деган фикрни тиқиштирмоқдалар. Бунинг устига бир қанча партия комитетлари ва партия ташкилотларида ҳозирги шароитда парламент тусидаги партия ҳолати КПСС учун қониқарлидир, деган фикр пайдо бўлган. Бундай қарашлар ва айниқса унга асосланган ҳаракатлар партияни сиёсий турмушдан четга улоқтириб ташлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон коммунистлари сиёсий воқеликни ҳисобга олиш мавқеида турибдилар, улар КПСС ўз ташаббуси билан бошлаган демократик ислоҳотлардан, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги туб ўзгаришларга партиявий раҳбарликдан воз кечишига мутлақо рози эмаслар, деб таъкидлашди учрашув қатнашчилари. Армияни, Давлат хавфсизлиги комитетини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини партиядан ҳоли қилиш учун, партия комитетларини корхоналардан ташқарига чиқариб юбориш учун уринаётган кишилар аслида жамиятни беқарорлик ва тартибсизликка тойдирмоқдалар. Шу муносабат билан партия кадрлар сиёсатига бевосита таъсир ўтказган тақдирдагина кучли бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Учрашувда таъкидландики, ҳозирги шароитда халқ ҳокимияти идораларига, улар билан алоқаларни ва баҳамжиҳат ҳаракатларини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Коммунистларнинг халқ депутатлари Советларида фаол иш олиб бориши партияга жамиятдаги ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишга, халқ депутатлари Советлари билан биргаликда иқтисодиётдаги тангликни бартараф этишнинг самарали чораларини ишлаб чиқишга ва пировард натижада партиялилар оммасининг ҳокимиятини амалда қарор топтиришга имкон беради.

(ЎзТАГ).

• ЖИГАРИСТОН:

«ИЗВЕСТИЯ» РЎЗНОМАСИНИНГ ТАҲРИРИЯТИГА

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги Жигаристон қўрғонида юз берган табиий офат — кўчки муносабати билан ҳамдардлик билдирган мамлакатлар, республикаларнинг раҳбарларига, шунингдек ташкилотлар, корхоналар жамоаларига ва айрим фуқароларга газетангиз орқали миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз.

Ўзбекистон ССР Президенти

И. КАРИМОВ.

БУТУН ДУНЁ ЁРДАМИ ВА ҲАМДАРДЛИГИ

Жигаристондаги фожиали воқеалар бутун дунёнинг эътиборини ўзига қаратди. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов номига ҳамдардлик телеграммалари ва ёрдам тўғрисида хабарлар келиб турибди.

Бу телеграммалардан бири Эрон Ислом Республикасидаги мусулмонлар учун муқаддас Қум шаҳридан келган. Унда, жумладан, бундай дейилади: «Бисмиллоҳ раҳмонураҳим. Табиий офат юз бериб, одамлар нобуд бўлганини эшитиб қаттиқ қайғурдим. Сизларга, шаҳид бўлганларнинг оилаларига, мамлакатингиздаги барча аҳли муслимга самимий ҳамдардлик билдираман. Оллоҳ ёрлақасин. Абдул Карим Мусавий Ардабелий».

Яна бир телеграмма Москвадан, СССР Давлат чет эл туризми комитетидан келган. Унинг жамоаси жумҳуриятда юз берган табиий офат муносабати билан самимий ҳамдардлик билдириб, жабрдийдаларга ёрдам бериш ва фожиа оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистонга ёрдам жамғармасига 50 минг АҚШ долларини ўтказди.

Учинчи телеграмма Фарғонадан келган. Уни Фарғонадаги «Орзу» ёшлар уйжой комплекси жамоаси юборган бўлиб, жамоа ўз даромадларидан ёрдам жамғармасига икки минг сўм ўтказганлигини Президентга маълум қилган.

(ЎзТАГ).

ТЕГИРМОН УНИ — ЖАБРДИЙДАЛАРГА

Пахтакор районидаги Кичанов номли давлат хўжалигида миллий ўзбек ҳунармандчилиги асосида ишга туширилган тегирмонда бир ҳафтада тайёрланган маҳсулот Жигаристонга юборилдиган бўлди.

Хўжалик аҳли табиий офатдан ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрган юртдошларнинг қайғусига шерик эканликларининг рамзий маъноси сифатида шундай қарорга келдилар. Жиззах шаҳридаги устки трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасининг Жигаристон аҳолисига кўрсатаётган ёрдами қўлами ҳам анча салмоқли. Икки минг киши меҳнат қиладиган бирлашма жабрланганларга 50 минг сўмлик чойшаб, болалар кийимлари, пайпоқ каби кундалик зарур моллар ажратди. Жиззах пластмасса заводидан эса 2 минг сўмлик хўжалик моллари юборилди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДЕҲҚОН ИРОДАСИНИ ҲЕЧ НАРСА БУКА ОЛМАЙДИ

ВОҚЕА РЎЙ БЕРГАН ЖОЙЛАРДА

● Бу йилги баҳор фасли Ўзбекистон аҳолиси учун кутилмаганда жуда кўнгилсиз келди. Қарийб бир ойдан бери — апрель охирларидан жумҳуриятимизнинг турли ерларида жала қуймоқда, бўрон қутирмоқда. Ўтган дам олиш кунлари табиий офат жуда кучли зарба берди: жумҳуриятимизнинг катта қисмида тинимсиз жала қуйди, баъзи районларга дўл ёғди, тоғлардан сел оқиб кела бошлади.

Ўзбекистон ҳукумати саноқли дамларда табиий офат келтирган оқибатларни тугатиш бўйича махсус комиссиялар тузди. Улар жумҳуриятимизнинг бир қанча минтақаларида дарҳол ишга киришдилар. Янги вайронагарчиликларга йўл қўймаслик борасидаги чора-тадбирлар ўларнинг вазифасига киради, чунки хавф-хатар ҳали ўтиб кетгани йўқ. Синоптиклар яқин кунларда бўрон бўлиши ҳақида огоҳлантирмоқдалар.

Тошкентда жумҳурият ҳукумат комиссияси иш олиб бормоқда. Комиссия аъзолари жойлардан келаётган хабарларга жуда тезлик билан қулоқ солмоқдалар, вилоят штабларининг ишларини мувофиқлаштирмоқдалар.

Табиий офат келтирган зарар миқёси ҳали ҳисоблаб чиқилмоқда. Лекин у ниҳоятда катта эканлиги ҳозирнинг ўзида равшан бўлиб қолди.

ШОШИЛИНЧ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Уч ҳафта бўлдики, Хоразм деҳқонлари ҳаддидан ошган табиат инжиқликларини бошларидан кечиришмоқда. Шу вақт ичида бўлиб турган довуллар, дўл ёғиши, жала қуйиши, ҳароратнинг кескин пасайиб кетиши натижасида пахта майдонлари, шолизорлар, сабзавот экилган далалар ва боғларга катта зарар етди.

Шовот, Янгиариқ, Боғот ва Янгибозор районларининг хўжаликлари ҳаммадан ҳам кўпроқ жабрландилар. Тинимсиз, шаррос қуяётган ёмғир натижасида Шовот районидаги Партия XIX съезди номли, «Коммунизм» ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари пахта далаларини сув босди. Ўтган якшанба куни довул аралаш ёққан қаттиқ жала оқибатида «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги мактаб биносининг деразалари чил парчин бўлди, унинг томига ёпилган шиферлар учиб кетди. Энди мактаб авария ҳолатига келди, мингдан ортиқ бола у ерда ўқув йилини тугатаолмайди.

Жала қуйиши билан бир вақтда тўлиб-тошган суғориш шохобчалари, коллекторлардан ҳам сув бостириб кела бошлади. Ҳозир уни бир амаллаб «орқага қайтаришга» ҳаракат қилишмоқда: Янгибозор районидаги «Ленинизм», Куйбишев номли, «Ленинград» жамоа хўжаликларининг сув босган далаларида кўчма насос қурилмалари ишга туширилди.

Янгиариқ районининг Киров, Аваз Ўтар номли, «Коммуна» жамоа хўжаликларида ғўзаларнинг анчагина қисми қаттиқ шикастланди. Боғот ва Урганч районлари хўжаликларининг далаларига ҳам чигитни қайта экиш керак бўлади.

Табиий офат Хоразм чорвадорларига ҳам анча зарар етказди. Бир нечта бостирма вайрон бўлди, эски ферма бинолари, электр линиялари ва кичик станциялар шикастланди. Энг муҳими беда биринчи ўримга тайёр бўлган эди. Озуқа экинларини етиштирувчилар сув босган далага техникани олиб чиқа олмаяптилар.

Табиат эса тинчимаяпти. 20 май куни Хоразмда ҳаво яна булутланиб турди, шамол бўлди, вақти-вақти билан жала қуймоқда.

Урганчда Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигидаги махсус комиссия тинимсиз ишлаб турибди. Штаб аъзолари келтирилган зарар миқдорини аниқламоқдалар ва тиклаш ишларини иложи борича тезроқ бошлаш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ЖИДДИЙ СИНОВ

Ўтган шанба, якшанба кунлари рўй берган табиий офат Тўрақўрғон ноҳияси деҳқонларининг қалбини ўртаб юборди. Эндигина икки қулоқ бўлган 1,5 минг гектар ердаги ғўза ниҳоллари, 400 гектардан зиёд бошқа қишлоқ хўжалик экинларини жала, сел ювиб кетди. Қишлоқ хўжалигига келтирилган зарар 4.129 минг сўмни ташкил этди. Умуман ноҳия бўйича жами кўрилган зарар 23,3 миллион сўмни ташкил этди. Энг ачинарлиси, 207 та хонадон одам яшаб бўлмайдиган ҳолатга келди. Маҳаллий партия, совет, жамоат ташкилотларининг ташаббуси билан уйлари яроқсиз ҳолга келиб қолган аҳоли янги қуриб битказилган уйларга, меҳмонхона ва оқибатли кишилар хонадонига кўчирилди. Ҳаммаси бўлиб, 5730 хонадоннинг уйлари турли даражада шикастланди. Шундан 475 таси жорий ремонт қилишга муҳтож.

Тўрақўрғон шаҳри, Сайрам, Ҳолматов, Ёртепа қишлоқ Советлари ҳудудида яшовчи хонадонлар ҳам табиий офатдан зарар кўришди. Айни пайтда хонадонларни ремонт қилиш, уйлари яроқсиз ҳолга келган оилалар учун янги уй-жойлар қуриш бошлаб юборилди.

Ўша кунги табиий офат Янгиқўрғон ноҳиясини ҳам четлаб ўтмади. Бу ерда 3665 гектар экин майдони қаттиқ шикастланди. 2000 гектар ерга қайтадан уруғ қадалиши лозим. 200 гектар боғ ва узумзор, шунингдек дала шийпонлари, кўприк, суғориш иншоотлари, йўллар, аҳоли уйжойлари ҳам таъмирланиши зарур. 7 мингдан кўпроқ хонадон моддий зарар кўрди. Умуман ноҳияда ҳаммаси бўлиб, 8 миллион сўм зарар кўрилди. Табиий офат вилоятнинг бошқа районларига ҳам таъсир кўрсатди. Жумладан, Косонсой ва Чортоқ ноҳияларида ҳам жиддий ишлар амалга оширилиши керак.

Вилоятда табиий офат юз бергандан сўнг Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси раиси Ш. Йўлдошев, Президент ҳузуридаги жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси Раисининг муовини Р. Ражабов бошчилигида республика партия-ҳукумат вакиллари етиб келишди. Барча вазирлик ва идоралардан келган вакиллар табиий офат оқибатини бартараф этиш чораларини кўришмоқда.

Бу иш халқ ҳашарига айланди. Қўшни ноҳияларнинг меҳнаткашлари ҳам имкони борича ёрдам қўлини чўзмоқдалар. Қўшимча техника, озиқ-овқат, иссиқ кийим-бошлар келиб турибди.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Юқоридаги суратлар Наманган вилоятининг Тўрақўрғон районида олинган. 1. Олти нафар фарзанднинг онаси Ровзахон Аҳмадалиева бошпанасиз қолди. 2. Ўт ўчирувчилар ёрдамга келишди. 3. Маҳалла қўмиталарида зудлик билан кимлар ёрдамга муҳтожлигини ҳисоб-китоб қилишга киришдилар.

А. КОВТУН олган суратлар. (ЎзТАГ).

Халқаро экипаж орбитада

ТАСС ахбороти

1991 йил 18 май куни Москва вақти билан соат 15 дан 50 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз ТМ-12» космик кемаси учирилди.

Экипаж таркиби командир Анатолий Арцебарский, бортинженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Сергей Крикалев ва тадқиқотчи-космонавт Буюк Британия фуқароси Хелен Шармандан иборат.

Парвоз режасида «Союз ТМ-12» кемасини учувчи бошқарадиган «Мир» комплекси билан туташтириш ҳамда саккизинчи асосий экспедиция фазогирлари Виктор Афанасьев ва Муса Манаров билан биргаликда тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказиш кўзда тутилган.

«Союз ТМ-12» кемасидаги системалар кўнгилдагидек ишлаб турибди. Анатолий Арцебарский, Сергей Крикалев ва Хелен Шарман ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Фазовий аппаратларни туташтириш 20 май кунига мўлжалланган.

* * *

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 19 май. (ТАСС). Таркибига Анатолий Арцебарский, Сергей Крикалев ва Хелен Шарман кирган Совет-Британия халқаро экипажининг «Союз ТМ-12» фазовий кемасидаги парвози давом этмоқда.

Кеча кемаининг системалари ишга яроқлилигини ҳамда унинг бўлмаларн герметиклигини текшириш юзасидан режалаштирилган ишлар бажарилди. Кемага икки марта туртки берилиб, олис масофадаги одам бошқарадиган «Мир» комплекси билан яқинлаштирилди.

«Союз ТМ-12» кемасининг орбитаси тузатишлардан кейин қуйидагича бўлиб турибди:

— Ер сатҳидан энг кўп узоқлашиши — 333 километр;

— Ер сатҳидан энг кам узоқлашиши— 264 километр;

— Ер атрофини айланиб чиқиш вақти — 90,2 минут;

— оғиш бурчаги — 51,6 даража.

Виктор Афанасьев билан Муса Манаров бугун илмий тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказишмайди. Улар дам олишяпти, жисмоний машқлар бажаришяпти, халқаро экипажни кутиб олишга тайёрланишяпти. Фазовий кемалар 20 май куни соат 17 дан 25 минут ўтганда туташиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

И. ҚУЧҚОРОВ, Ҳ. РИЗОҚУЛОВ ЎРТОҚЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, Сирдарё вилоятини ижтимоий ва маданий ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин:

Қўчқоров Иброҳим — Табиатни муҳофаза қилиш Сирдарё вилоят комитетининг раиси;

Ризоқулов Ҳамроқул — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлимининг масъул котиби.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1991 йил 18 май.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

ЯККА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишни кенгайтириш ҳамда меҳнат низолари бўйсуниш тартибида кўриб чиқиладиган ходимлар тоифалари рўйхатини тугатиш мақсадида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Кенгаши **қарор қилади:**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонун меҳнат шартномаси (битими) асосида ишловчи шахслар билан корхона, муассаса, ташкилот (бўлинма) маъмурияти ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, жамоа шартномаси ҳамда меҳнат тўғрисидаги бошқа битимларни қўлланиш, шунингдек, ходимга янги меҳнат шароити белгилаш ёки мавжуд меҳнат шароитини ўзгартириш масалалари юзасидан келиб чиқадиган якка меҳнат низоларини ҳал қилиш тартибини бошқаради. Ушбу Қонунда корхона, муассаса, ташкилот (бўлинма) маъмурияти деганда қонунларга мувофиқ корхона, муассаса, ташкилот (бўлинма)ларни уларнинг тури, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъий назар, оператив бошқариш вазифалари юкланган идора (раҳбар ва унинг ўринбосарлари, корхона кенгаши, бошқаруви ёки корхона, муассаса, ташкилот (бўлинма)ни бошқариш учун ҳуқуқ берилган бошқа идоралар тушунилади.

Ушбу Қонунда белгиланган меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролар бошқа бирлашмалари ходимларини уларни сайлаган идораларнинг қарори билан маош тўланадиган сайлаб қўйилган лавозимдан муддатидан олдин бўшатиш тўғрисидаги низоларга нисбатан қўлланилмайди.

Судьялар, прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари ва ёрдамчилари, шунингдек, прокуратура терговчиларининг ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш вақти ва сабабларини ўзгартириш, мажбурий ишга чиқмаган вақти ёки кам пул тўланадиган ишни бажаргани ва ҳақ тўлаш ҳамда интизомий жазо белгилаш масалаларига доир меҳнат низоларини кўриб чиқишнинг ўзига хос жиҳатларини ССР Иттифоқи қонун ҳужжатлари белгилаб беради.

2-модда. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва ўзга меъёрий ҳужжатларни, жамоа шартномаси ва бошқа меҳнат тўғрисидаги битимларни қўлланиш масалаларига доир меҳнат низоларини қуйидагилар кўриб чиқади:

1) меҳнат низолари комиссиялари;

2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бўлинмалар) касаба уюшмаларининг комитетлари. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бўлинмалар) касаба уюшмалари комитетлари деганда ушбу Қонунда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бўлинмалар) касаба уюшмалари идоралари тушунилади;

3) район (шаҳар) халқ судлари.

Ходимлар айрим тоифаларининг баъзи масалаларга доир меҳнат низолари юқори идоралар томонидан кўриб чиқилади (ушбу Қонун 1-моддасининг учинчи қисми, 28-35-моддалари).

Ходимга янги меҳнат шароитини белгилаш ёки мавжуд меҳнат шароитини ўзгартириш тўғрисидаги меҳнат низолари корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ҳамда тегишли касаба уюшмаси комитети томонидан уларга берилган ҳуқуқлар доирасида ҳал қилинади.

II. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ КОМИССИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ИШ ТАРТИБИ

3-модда. Меҳнат низолари комиссияси камида 15 киши ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот (бўлинма) меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференциясида) сайланади.

Кўпчилик овоз олган ҳамда умумий йиғилишда (конференцияда) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган шахслар комиссия таркибига сайланган ҳисобланади.

Комиссияни сайлаш тартибини, унинг неча кишидан иборат бўлишини, таркиби ва ваколат муддатини корхона, муассаса, ташкилот меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференциясида) белгилайди.

Меҳнат низолари комиссияси ўз таркибидан комиссия раиси, унинг ўринбосарлари ва котибларини сайлайди.

4-модда. Корхона, муассаса, ташкилот меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) қарори билан бўлинмаларда меҳнат низолари комиссиялари тузилиши мумкин. Бу комиссиялар бўлинмалар жамоалари томонидан сайланади ҳамда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар меҳнат низолари комиссиялари каби асосда иш олиб боради.

Бўлинмалар меҳнат низолари комиссиялари ана шу бўлинмалар ваколатлари доирасидаги меҳнат низоларини кўриб чиқишлари мумкин.

5-модда. Меҳнат низолари комиссияси корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда (бўлинмаларда) юз берган меҳнат низоларини кўриб чиқиш шарт бўлган бошланғич идорадир. Ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан кўриб чиқишнинг ўзга тартиби бўлган низолар бундан мустаснодир.

Агар ходим корхона, муассаса, ташкилот (бўлинма) маъмурияти билан бевосита музокаралар чоғида мустақил равишда ёки унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган касаба уюшмаси ташкилоти иштирокида келишмовчиликни бартараф қилмаган бўлса, меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқилиши керак.

6-модда. Ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой муддатда меҳнат низолари комиссиясига мурожаат қилиши мумкин.

Белгиланган муддат узрли сабаб билан ўтказиб юборилган тақдирда меҳнат низолари комиссияси муддатни тиклаши ва низони моҳиятан ҳал этиши мумкин.

Ходимнинг меҳнат низолари комиссиясига тушган аризаси рўйхатга олиниши шарт.

7-модда. Меҳнат низолари комиссияси 10 кун муддатда меҳнат низосини кўриб чиқишга мажбур. Низо ариза берган ходим, маъмурият вакиллари иштирокида кўриб чиқилади.

Низони ходимнинг иштирокисиз фақат унинг ёзма аризасига биноан кўриб чиқишга йўл қўйилади.

Ходим комиссия мажлисига келмаган тақдирда аризани кўриб чиқиш кечиктирилади. Ходим узрсиз сабаблар билан иккинчи марта келмаган тақдирда комиссия ушбу аризани кўриб чиқишдан олиб ташлаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Бундай қарор ходимни яна ариза бериш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

8-модда. Агар комиссия мажлисида унинг таркибига сайланган аъзоларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса мажлис ҳақиқий ҳисобланади.

Комиссия мажлисида ҳар бир аъзо бир овозга эга бўлиб, унинг қарори ҳозирдаги аъзолар умумий сонининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Комиссия раиси ва котиби ҳисобланмайдиган комиссия аъзолари ва ходимлар ҳар бир ишда бир овозга эга бўлиб, ишда иштирок этган ва ишни бажарган ходимлар ва комиссия аъзолари ишда иштирок этган ва ишни бажарган ходимлар ва комиссия раиси ва котиби ишда иштирок этма

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

ҚЎШМА БАЁНОТ — ЯНГИ ДОВОН

Иттифоқ тақдири — миллионлар тақдиридир. Даврнинг долзарб, чирсиллаб турган мавзуи ҳам янги Иттифоқ шартномаси, унинг қандай бўлишига муносабат масаласидир. Шу нуқтаи назардан қараганда «Мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида Қўшма баёнот» янги бир муҳим сиёсий ҳужжат ҳисобланади.

Мен ўн нафар давлат арбоби имзо қўйган у Қўшма баёнотни ўқиганимда, айниқса, икки ўринда мамнунлик ҳис этиб, қалам билан белгилаб қўйдим.

Мана, Қўшма баёнотнинг ўша жойлари:

— ...Мустақил давлатларнинг янги шартномасини тузиш тангликни бартараф этиш учун биринчи навбатдаги вазифадир. Шу муносабат билан учрашув қатнашчилари қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

— ...мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг қоидалари СССРнинг янги Конституциясига асос қилиб олиниши керак;

— иттифоқдош жумҳуриятларнинг учрашувда қатнашган олий раҳбарлари Латвия, Литва, Эстония, Молдова, Грузия ва Арманистоннинг Иттифоқ шартномасига қўшилиши тўғрисидаги масалани мустақил ҳал этиш ҳуқуқини тан оладилар...

Бу сатрларнинг моҳиятига теран ёндашсак, чуқур ва атрофлича мушоҳада юритсак, шундай хулосалар келиб чиқади:

Марказ пировард натижада иттифоқдош жумҳуриятларнинг суверен давлат эканини эътироф этишга мажбур бўлди. Маълумки, «Ҳокимият тиланиб олинмайди, балки ҳокимият ўрнатилади» деган фикрни ҳаёт ўз тасдиғидан ўтказди.

Тузилажак Шартнома мустақил давлатларнинг шартномаси деб номланиши оламшумул сиёсий ютуқдир. Мустақил давлатларнинг Иттифоқи дегани ҳуқуқий атама билан аталганда конфедерациядир. Конфедерация иттифоқчиликнинг олий ва охирги босқичи бўлиб, унда унитаризм келиб чиқишига мутлақо асос бўлмайди, албатта конфедерация принципларига хиёнат қилинмаса, орқага қайтилмаса, томонлар аҳдидан қайтиб, субутсизлик қилмаса, демак, Қўшма баёнотни имзолаган раҳбарлар ҳам, уни амалга оширувчи барча вазифадорлар ҳам, қолаверса, ҳар бир фуқаро Қўшма баёнот принципларига қатъий ва тўла риоя қилинишига сергакликда сезгир бўлиб туришимиз шарт. Шунинг учун ҳам агар Қўшма баёнотни ёқловчилар имзоси тўпланса, мен ҳам мамнуниятимдан қўл қўярдим. Ўйлайманки, барча эрксевар фуқаролар ҳам шундай эзгу ишни қўллайдилар, албатта.

Қўшма баёнотда иттифоқдош жумҳуриятларнинг Иттифоқ шартномасига қўшилиш-қўшилмаслик тўғрисидаги масалани мустақил ҳал этиш ҳуқуқи тан олинди. Бу дегани шундай буюк бир сиёсий ва ҳуқуқий ютуқки, иттифоқчиликнинг бош принципи — ихтиёрийлик эътироф этилди. Бу ютуққа осонликча эришилгани йўқ, албатта. Қўшма баёнотга имзо чеккан раҳбарларнинг нақадар кескин ва қатъий кураш олиб боришганини ҳис қилиш мумкин. Марказий матбуот хабарларига кўра, Қўшма баёнотнинг Марказ тақдим этган матни билан муҳокамалардан кейин қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинган матни ўртасида 80 фоиз фарқ бўлибди.

Мазкур сиёсий ҳужжат олий давлат раҳбарлари томонидан имзоланганига асосланиб ва мантиқдан келиб чиқиб, шундай хулосаларни илгари суриш мумкин, деб ҳисоблайман.

1. Мазкур Қўшма баёнотда эътироф этилган «Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг қоидалари СССРнинг янги Конституциясига асос қилиб олиниши керак». Демак, янги Конституция то шу пайтгача бўлиб келаётган ягона федератив давлатнинг Конституцияси бўлмайди, балки мустақил давлатлар иттифоқининг, янада аниқроқ қилиб айтсам, мустақил давлатлар уюшмасининг давлатлараро ҳужжати бўлади. Чунки мустақил давлатлар иттифоқи дегани бу ҳуқуқий атама билан айтилганда, конфедерациядир. Ваҳолонки, конфедерацияда уни таъсис этган ва ташкил этган субъектлар — миллий давлатларнинг конституциялари бўлади, барча субъектлар учун умумий ва мажбурий яна бир алоҳида Конституцияга зарурат қолмайди. Умуман олганда ва ростини айтганда, конституциялар устидан ҳукмронлик қилувчи ва улардан ҳуқуқан юқори турувчи Конституциянинг бўлиши ва унга риоя этилиши амалда унга тобе конституцияларни қуруқ қоғозга айлантириб қўйишдан бошқа бирор нарса эмас.

Иттифоқдош жумҳуриятларнинг конституцияларида жуда ажойиб гаплар ёзилган бўлишига қарамай, уларга деярли амал қилинмай келингани ва келинаётгани ҳам шу фикримни тасдиқлаб турибди.

Қўшма баёнотга кўра, бўлажак иттифоқ, яъни конфедерация Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи деб аталмайди, чунки, биринчидан, бу Қўшма баёнот эълон қилинмасданоқ, айрим жумҳуриятлар, масалан, Қирғизистон «совет» ва «социалистик» деган атамалардан воз кечди, эндиликда бу миллий давлат — тўғридан-тўғри Қирғизистон Жумҳурияти деб аталмоқда. Иккинчидан, янги Иттифоқ мустақил давлатлар иттифоқи бўлгани туфайли ҳам «Оврўпо ва Осиё давлатлари конфедерацияси — ООДК» дейилиши мантиқий бўлур эди. Қўшма баёнот моҳияти шуни тақозо этиб турибди.

2. Янги Иттифоқ шартномасининг янги лойиҳаси ҳам мазкур Қўшма баёнотга асосан энди мазмунан илгариги лойиҳалардан тубдан фарқ қилади ва «Мустақил давлатлар конфедерацияси бўйича шартнома» деб аталса мантиқли бўлади.

3. Мазкур Қўшма баёнотнинг имзоланиши ўн бешта иттифоқдан жумҳуриятда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам эълон қилинган Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларациялар марказ томонидан М. Горбачев имзоси билан тан олинганини маълум қилади. Ваҳолонки, ССЖИ халқ депутатлари съездида ва ССЖИ Олий Кенгаши сессияларида шу масала ўртага қўйилганда илгари инобатга олинмаган эди. Энди эса ўша қонуний талаблар бугун рўёбга чиқиб турибди. Чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрилса, ушбу Қўшма баёнот имзоланиши туфайли иттифоқдош жумҳуриятлар катта ва муҳим сиёсий ютуққа эришганини кўрамиз. Қўшма баёнотнинг туб моҳияти ва аҳамияти ҳам ана шундадир.

Юқорида учта моддада билдирилган фикрлар конфедерация ва унинг субъектлари, яъни мустақил давлатларга бирдек тааллуқли умумий фикрлардир. Шунингдек, мазкур Қўшма баёнот ҳар бир мустақил давлатга, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам тегишли олий даражали сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топиши зарур ва топажак ҳам.

Янги тузиладиган Конституция ҳар жиҳатдан ҳам мустақил давлатнинг Конституцияси бўлиши керак. Мустақил давлат дегани халқаро субъект демакдир. Ана шу нарса Конституцияда ўз ифодасини топиши шарт.

Ўзбекистон ССЖнинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларациянинг ўн иккинчи моддасида ҳам ушбу баённома миллий давлатимизнинг янги Конституциясига асос бўлиши керак, дейилган. Сўз юритилаётган Қўшма баёнот сиёсий жиҳатдан қўлга киритилган ютуқларимиз бўйича илгари ташланган янги муҳим ва дадил қадам бўлди. Шунинг учун ҳам уни имзолаган раҳбарлар ўта шарафли вазифани адо этганликларини эътироф қиламиз, бу ҳолни кўҳна тарих олдида юзи ёруғлик дея олқишлаймиз.

Қўшма баёнотда мустақил давлатлар иттифоқи ибораси қўлланилиши муносабати билан миллий давлатимизнинг бўлажак номи тўғрисидаги ўз мулоҳазамни айтмай қололмайман. Менимча, Ўзбекистон жумҳурияти, Ўзбекистон давлати дейилиши нотўғри. Ўзбек жумҳурияти ёки Ўзбек давлати дейилса тўғри бўлади. Чунки Ўзбекистон деган атама мазмунида таркибан «давлат», «юрт», «мамлакат» деган маънолар ҳам мавжуд. Маълумки, «Ўзбекистон» каломи қўшма сўз бўлиб, «Ўзбек» ва «стон» қисмлардан иборатдир. «Стон» — «юрт», «мамлакат» демакдир. Шу айтилганлардан келиб чиқиб, Қўшма баёнотда эътироф этилган миллий давлатга эга бўлганимизга асосланиб янги Конституциямизда «Ўзбек давлати конституцияси», «Ўзбек жумҳурияти конституцияси» десак мантиқан иш тутган бўлур эдик. Ёки бўлмаса, олис-олис аждодларимизнинг руҳини ҳам шод этмоқчи бўлсак, «Турк давлати конституцияси», «Турк жумҳурияти конституцияси (тузуклари)» дейишимиз керак. Ана шунда, миллий давлатимиз тарихи XV—XVI асрлардан, Абдулхайрхон, Шайбонийхонлар замонидан бошланиб қолмай, то унгача бўлган кўп асрлик бой кечмишимизни ҳам қамраб олган бўлур эдик. Ана шунда Ал-Фарғонийдан тортиб, Ал-Хоразмийгача, Ал-Фаробийдан тортиб, Ал-Бухорийгача, Яссавийдан тортиб Лутфи-ю, Навои-ю, Бобургача аждодларимизнинг меросхўри эканимиз конституцион тарзда қонунлаштирилган бўлур эди. Буюк сиймоларимизнинг ўндан тўққизтаси, балки ундан ҳам кўпчилиги ўзларини «турк» деб, тилларини «туркий» деб, мамлакатларини «Турон», «Туркистон» деганлар. Бизлар ҳам шундай десак адолатли иш тутган, ота-боболаримизга муносиб фарзанд бўлган бўлур эдик.

Қўшма баёнотнинг якуний жумласини келтириш билан мен ҳам ушбу мақоламни ниҳоялайман:

«Учрашув қатнашчилари иттифоқдош республикаларнинг роли тубдан оширилмаса вазиятни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир чора-тадбирларнинг ҳаммаси беҳуда эканлигини яхши англайдилар».

Жуда тўғри гап.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН

● Усмон Юсупов номли деҳқончилик-саноат комбинатида Ўзбекистон мева, сабзавот ва виночилик саноати давлат-кооператив концерни ходимларининг семинар кенгаши бўлди.

Унда қайта ишловчи ва вино заводларининг директорлари, кичик консерва корхоналарининг ходимлари, тармоқ мутахассислари қатнашдилар. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш масалаларини, корхоналарнинг долзарб муаммоларини ҳамда бозор муносабатларига ўтиш даврида уларнинг олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Семинар қатнашчилари бозор иқтисодиёти талабларига тўлароқ мос келадиган ташкилот сифатида концерн тузилганлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нобудгарчилигини анча камайтириш, бу маҳсулотларни сифатли қайта ишлаш ва сақлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш учун янги истиқболлар очиб беришини таъкидлаб ўтдилар. Концернинг ташкил этилганлиги аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжларини қондиришда ижобий аҳамиятга эга бўлади.

Жамоа олдида турган энг муҳим вазифалардан бири — яқин орада ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиш, жумҳурият аҳолисининг мева-сабзавот консерваларига эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, бундай маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат.

Кенгашга тўпланган кишилар кўпгина корхоналарни янгилаш, эскирган машина-ускуналарни замонавий машина-ускуналар билан алмаштириш йўллари тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон виночилигини тиклаш масалаларини муҳокама қилдилар, Ўзбекистоннинг мусалласи, машҳур винолари ва коньяклари жаҳон бозорида шуҳрат қозонган виночилик мамлакатларининг маҳсулотлари билан муваффақиятли рақобат қила олишини таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

СЪЕЗД ЎЗ ИШИНИ ТУГАЛЛАДИ

Тошкентда Ўзбекистон ССР Қизил Ярим ой жамиятининг XVI съезди ўз ишини тугаллади.

Съезд делегатлари кўпчилик овоз билан Ў. Т. Воҳидовани республика Қизил Ярим ой жамияти Марказий Комитетининг раиси этиб сайладилар.

Б. Х. Умурзоқов тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайланди.

(ЎзТАГ).

Жумҳуриятимизда пишиқчилик бошланмоқда. Ҳозир бозорларда қулупнай, бодринг, помидор тобора кўпаймоқда. Бироқ ҳали нарх-наво қиммат. Биргина гилосни оладиган бўлсак, унинг нархи 10-15 сўмни ташкил этмоқда. Демак, бозорлардаги нарх-навони туширмоқ учун уни кўп етиштириш зарурияти туғилаётир.

Фарғона вилоятидаги Қўқон ўрмон хўжалигининг Риштон райони филиали ходимлари бу борада муайян ишларни амалга оширишмоқда. Масалан, ижарачи Эргашали Юсупов 1,5 гектар майдондаги гилос дарахтларини меҳр билан парваришлади. Айни кунларда эса унинг боғида айни пишиқчилик. Ижарачининг нияти — эл дастурхонига 3,5 тонна гилос топшириш.

Э. Юсупов бошлиқ ижарачилар 4 гектарлик олмазордан ҳам мўл ҳосил олишни кўзлашаётир. Улар режадаги 15 тонна ўрнига 18 тонна олма топширишга аҳд қилишган.

Суратларда: 1. Гилос терими учун ҳашарга келган Нилуфар Турсунова. 2. Гилос терими авжида. 3. Ижарачи Эргашали Юсупов.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

СССР Давлат банкидан

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1991 ЙИЛ НАМУНАСИДАГИ 5 СЎМЛИК БАНК БИЛЕТИНИНГ ТАСВИРИ

СССР Давлат банкининг 1991 йил намунасидаги 5 сўмлик билети 1961 йил намунасидаги 5 сўмлик Давлат хазина билети асосий тасвиридан фойдаланиб, ранги ва матнлари ўзгартириб тайёрланган.

СССР Давлат банкининг 1991 йил намунасидаги 5 сўмлик билети юқоридан пастигача қорамтир беш қиррали юлдузлар ва қорамтир қийшиқ чизиқлар бир текис жойлашган сув белгили оқ қоғозга босиб тайёрланган.

Билетнинг ўнг ва орқа томонларидаги асосий ранг ҳаворанг-зангори тусда бўлиб, билетнинг ўртасида пушти рангдаги кенг чизиқ аста-секин зангори тусга ўтади.

Билетнинг юз томонида қуйидагилар тасвирланган:

Москва Кремлининг Спасск минораси кўриниши, чапдаги юқори бурчагида — нақш билан безатилган СССР Давлат герби, «СССР Давлат банкининг билети», «Банк билетлари олтин, қимматбаҳо металлар ва Давлат банкининг бошқа активлари билан таъминланади» деган ёзувлар, билет чиқарилган йилни билдирувчи «1991» рақамлари, ўртасида нақш билан безатилган катта «5» рақамининг устида «Беш сўм» ёзуви, пастида «Беш» ёзуви, чапдаги паст бурчагида «5» рақами.

Билетнинг ўнг томонида 20 миллиметр кенгликдаги оқ қисми бор. Унинг юқори қисмида рангдор безакли «5» рақами, билетнинг чап томонида эса кенглиги 6 миллиметрли оқ қисми бор.

Билетнинг орқа томони кўп ранглидир. Билетнинг иккала четида «5» рақами кўк рангда безатилган, ўртасида «Беш сўм» ёзуви хилма-хил рангдаги нақш билан безатилган, унинг пастида оч яшил тусда «Беш» сўзи» «СССР Давлат банки сохта билетларини ясаш қонун билан жазоланади» сўзлари бор. Билетнинг чап томонидаги пастки қисмида қора рангдаги етти рақамли сон, соннинг олдида икки ҳарфдан иборат серияси бор.

Билетнинг чап томонидаги кенглиги 20 миллиметрли оқ қисмининг пастида «5» рақами, ўнг томонида 6 миллиметр кенгликдаги оқ қисми бор.

(ТАСС).

ЖАРРОҲЛАР АНЖУМАНИ

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон жарроҳларининг 20 май куни Тошкентда очилган бешинчи съездида илмий изланишнинг асосий йўналишлари ва аҳолига ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишни ташкил этишнинг амалий масалалари муҳокама қилинмоқда. Съезд ишида Москва, Ленинград, Киев, Минск, Боку, Рига, Новосибирск ҳамда мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги илмий марказлардан келган олимлар ва мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.

(ЎзТАГ).

ҒАМХЎРЛИК

Ҳозирги шиддатли давримиз халқ хўжалигининг барча соҳаларини етук, малакали мутахассислар билан мустаҳкамлашни тақозо қилмоқда. Зеро билимдон, тажрибали кишиларсиз иқтисодиётни кўтариш, халқ турмуш фаровонлигини яхшилаш асло мумкин эмас.

Яқинда Денов райони партия, совет, хўжалик раҳбарларининг шу райондан келиб, пойтахт олий ўқув юртларида билим олаётган талабалар билан ўтказилган учрашувда қатнашганимда шу фикр ҳаёлимдан ўтди.

— Маълумки, — деди шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Эшмурод Турдалиев, — илгарилари қишлоқдан чиққан студент яшаш жойида шароитнинг ёмонлиги, ёш мутахассисларга эътиборнинг йўқлиги туфайли шаҳарда қолиб кетарди. Натижада яхши кадрлардан айрилиб қолардик. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда ишлаб чиқаришга, хусусан, қишлоқдаги турмуш маданиятига таъсир этарди.

Биз энди ёшлар масаласига муносабатни тубдан ўзгартиряпмиз. Уларнинг ўқиши, турмушидан тез-тез хабар олиб туришга ҳаракат қиляпмиз. Студент ёшларимиз эса, ўз навбатида биз билан бўлган учрашувларда ғамхўрлик учун раҳмат айтмоқдалар. Яхши ўқиб, малакали мутахассис бўлиш, ўз кучи, билими, тажрибасини район равнақини таъминлашга сарфлашга сўз бердилар.

Бир неча кун мобайнида деновлик талабалар райондан ташриф буюрган партия, совет, хўжалик органлари раҳбарлари, корхона, муассаса, ташкилот вакиллари билан учрашдилар. Вакиллар ёшларга районда олиб борилаётган ишлар, янгиликларни сўзлаб бердилар. Уларнинг муаммоларини ўргандилар. Район совети кенгаши қарорига мувофиқ ҳар бир талабага юз сўмдан ёрдам пули берилди.

Н. МИРЗАҚУЛОВ.

Масала моҳиятини чуқур англаб етмаган айрим кишилар Туямўйин гидроузелини бузиб ташлаш керак, демоқдалар. Аслида бунга қўшилиб бўладими?

● МУТАХАССИСЛАР МУЛОҲАЗАСИ

ТОМЧИ СУВ ҚАДРИ

Бугунги кунда Орол денгизи ва унинг атрофида яшовчи аҳоли тақдири масаласи жиддий бўлиб турибди. Бу ердаги аҳволни яхшилаш мумкинми, деган савол кўпчиликни ташвишга солянти. СССР Олий Кенгаши бунга ҳисобга олиб, Оролбўйини экология офати зонаси деб эълон қилган. Эндиликда муаммони ҳал этишнинг турли йўллари изланяпти. Бироқ вазиятга тўғри баҳо бериш ўрнига баъзида уни чигаллаштириш ҳоллари учрамоқда.

Кейинги пайтда эса Орол денгизи ва Оролбўйи аҳолиси қисматига тушган офатда Туямўйин гидроузелининг анчагина ҳиссаси борлиги ҳақида кескин фикрлар билдириляпти. Бунда мазкур гидроиншоот сув омборларидаги чўкиб қолган тузларнинг эриб кетиши натижасида сув сифатининг бузилганлиги ва Оролбўйи атрофидаги ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашгани ҳам сабаб деб топилмоқда. Шунга асосланиб, айрим мутахассислар гидроузелни умуман йўқотиш керак, деган фикрни ўртага қўйишяпти.

Маълумки, ушбу гидроиншоот узоқ муддатда ва анча маблағ эвазига қурилган. У 2,34 миллиард куб метр ҳажмдаги ўзанли сув омбори ва жами 4,46 миллиард куб метрдан иборат Капарас, Султонсанжар, Қўшбулоқ сингари учта сув омборидан ташкил топган. Гидроузелга асосан учта муҳим вазифани бажариш юклангандиги Биринчиси, дарё оқимини мавсумий равишда тартибга солиб туриш, вегетациялараро даврда сув тўплаб, шўр ювиш пайтида ундан фойдаланишни, иккинчидан — эрта баҳорда ирригация каналларига сув чиқаришни таъминлаши зарур эди. Бу даврда дарёда сув миқдорининг пастлиги туфайли амалдаги кўпчилик тўғонсиз сув дарвозалари, насослар бу ишни бажара олмайди. Учинчиси— сув сероб бўлган йилларда тошқинни тартибга солиб туриш вазифаси эди.

Хўш, аслида мазкур гидроиншоот экологик офатнинг юзага келишига бош сабабчими? Ҳозирги пайтда бу ердаги ҳақиқий аҳвол қандай? Умуман, Туямўйин гидроузелидан фойдаланиш бизга нима учун керак? Очиғи, бу саволларга жавоб топиш учун 7 йил вақт кетди. 1983 йилда СССР ҳамда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирликлари топшириғига биноан Туямўйин гидроузелида махсус комплекс тадқиқотлар бошланди.

Даставвал бу ишларни «САОгидропроект» институти, кейинчалик эса Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти олиб борди. Тадқиқотчилар сафига турли соҳа вакиллари, жумладан, гидротехниклар, гидрогеологлар, кимёгарлар, биологлар, математиклар киришди. Улар Амударёнинг ва гидроузел сув омборларининг сув, гидротехника, қумлоқлик, фильтрлаш, миқдор ва ҳарорат тартиби сингари кенг йўналишдаги муаммоларини ўрганишди.

Ўтган вақт мобайнида сувнинг кимёвий таркиби ва унинг лойқалигини аниқлаш учун 20 мингдан зиёд синов ўтказилди. Амударёнинг 120 километрли участкаси тадқиқ қилиниб суратларга олинди. Узоқ муддатли тадқиқотлар эвазига олинган натижалар гидроузелнинг ҳақиқий ва сохта муаммолари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини берди. Энг муҳими эса, тадқиқотлардан сўнг муаммоларни самарали усуллар билан ҳал қилиш йўллари белгиланди.

Хуллас, ўтказилган комплекс ишлар натижасида қуйидагилар аниқланди: биринчидан, гидроузелнинг ишга туширилиши Амударё оқими тартибини сезиларли даражада ўзгариш вақтига тўғри келган. Бунинг устига ўша пайтларда сув дарвозаларининг қўпайтирилиши натижасида Туямўйин зонасидаги сув миқдори анчагина камайиб кетган. Кейинги 9 йил ичида дарёнинг ўртача йиллик оқими 31 куб километрга тушиб қолди. Ўтган давр билан солиштирадиган бўлсак, 1950—1960 йилларда бу кўрсаткич 57 куб километрдан иборат эди.

Иккинчидан, дарё сувининг сифати ўта ёмонлашди. Масалан, йиллик ўртача минералланиш даражаси икки марта ошиб, бир литр сувда 1 граммни ташкил этди. Умуман, дарё қуйи қисмига ўртача қарийб 30 миллион тонна туз оқиб келди. Ачинарлиси, суғориладиган ерларнинг шўрини ювишдан келган коллектор-дренаж сувлари дарёнинг юқори ва ўрта оқимидаги минералларшишни ошириб юборади.

Учинчидан, дарёнинг қумлоқлик таркиби ҳам бирмунча ўзгарган. Норак сув омборида чўкинди сувларнинг тозаланиши (аккумуляцияси) туфайли гидроузел атрофидаги дарё сувининг лойқалиги икки баравар камайди. Ҳозирги шароитда унинг ўртача йиллик миқдори 1 куб метр сувга 2 килограммдан тўғри келяпти.

Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, гидроузелнинг Амударё қуйи қисмидаги сув сифатининг ёмонлашувига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Аслини олганда Туямўйин гидроузели қуйи Аму бўйларидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баттар ёмонлашишдан сақлаб қолган. Тўғриси, аҳвол бундан ҳам оғирроқ бўлиши мумкин эди.

Ҳозир гидроузел базаси асосида қуйи Амударё аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш тадбирлари ишлаб чиқиляпти. Мазкур тадбирларнинг моҳияти Капарас сув омборидаги кам минералли тошқин сувларини тинитиб, тозалайдиган комплекс иншоотлар қуриш ва уни Туямўйин — Нукус, Туямўйин — Урганч сув қувурлари орқали аҳолига етказиб беришдан иборат.

Айни пайтда Туямўйин гидроузелининг ўзига хос муаммолари ҳам бор. Гидроузел қуйи каналларидаги ҳамда дарё ўзанидаги тозаланаётган сувларнинг сезиларли миқдорда буғга айланиб йўқолиши кўпчилик мутахассисларни жиддий ташвишга солянти. Сув сероб йилларда бу ердаги буғланиш 5 миллиард куб метрдан ҳам ошиб кетиши мумкин. Очиғи гидроиншоот ишга тушгунга қадар бўлган йўқотиш ҳозиргига нисбатан икки баравар кам эди.

Албатта, бу муаммони ҳал қилса бўлади. Масалан, ўз вақтида Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти мутахассислари ўзан кенглигидаги сув миқдорини танбалаб қўймасдан ҳам қуйилма сув омборларини тўлдириш имконини берадиган техник тадбирларни амалга ошириш таклифи билан чиқдилар. Ўтган йили эса бу тадбир маъқулланиб, масаланинг техник жиҳатлари тасдиқланди. Бироқ «Средазгипроводхлопок» институти ҳанузгача лойиҳалаш ишларини бошлагани йўқ.

Комплекс тадқиқотлар натижаси яна шуни кўрсатдики, Туямўйин гидроузели ўзига юклангандек оғир вазифаларни бир мунча яхши уддалаб келяпти. Сирасини айтганда, бу иншоотсиз Амударё зонасидаги экологик аҳвол анча қийинлашган бўлур эди. Бироқ, бизнингча, бу ердаги аҳволни тубдан яхшилаш учун Туямўйинда ўтказилаётган тадбирлардан ташқари Амударёнинг юқори ва ўрта қисмларида ҳам мажбурий тарзда амалий тадбирларни олиб бориш керак. Фикримизча, бу борадаги ишни Аму—Бухоро зонаси ва Қарши чўли суғориладиган ерларидан дарёга тушадиган коллектор-дренаж оқаваларни камайтиришдан бошлаш зарур. Ана шундагина сувнинг сифат таркиби ўзгаради, ичишга яроқлилик хусусияти яхшиланади.

Яна бир гап. Бизда ҳар бир томчи сув қадрли. Ундан тежаб-тергаб фойдаланишга эътиборни қаратиш керак. Умуман, сув тақчиллиги муаммосини ҳал этиш учун эса мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан сув келтириш масаласини яна кун тартибига қўйишимиз лозим. Бу ҳақда жумҳуриятимиз Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби И. А. Каримов СССР Олий Кенгаши сессиясида ҳам, КПСС XXVIII съезди минбаридан туриб ҳам бир неча бор айтиб ўтганди. Зеро, ҳозирги шароитда сув ресурсларини қўпайтиришнинг бошқа йўллари йўқ. Шунинг учун ҳам Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга буриш борасида бошланган тадқиқотларни қайтадан давом эттириш зарур.

О. ҚАЮМОВ,
Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири, техника фанлари номзоди.

Р. АБДУЛЛАЕВ,
Туямўйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.

Ориф аканн кутиб, у киши ҳақида ўйлаб ўтириб, унутилмас аллома санъаткор Юнус Ражабий билан бўлган бир суҳбатни эсладим. Етмиш бешинчи йил эди, янглишмасам. Ражабий домладан «шогирдларингиздан кимларни алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлардингиз?» деб сўрадим. У киши Ориф Алимахсумовни биринчи тилга олди.

• *Маданиятимиз фидойилари*

ТАРОНА

Сўнг домла мендан Алимахсумовнинг санъат оламига қандай кириб келганини биласизми деб сўради. Мен учун кутилмаган бу саволга «йўқ» жавобини эшитгач, устоз санъаткор фахрланиб сўйлай кетди:

— Биласизми, Ориф махсус профессионал таълим олмасдан ансамблимизга кириб келган, уни йигирма йил бурун Тошкент тўқимачилик комбинатидаги ҳаваскорлар даврасидан топганмиз. Агар бастакор созанда Муҳаммаджон Мирзаевдан сўрасангиз, бу ҳақда батафсил гапириб беради. Туғма қобилият ва овознинг кучини қарангки, у бугунги кунда мақомчилар ансамблимизнинг етакчи, устоз хонандаси. Репертуаримда юздан ортиқ мақом ашуласи, яна халқ қўшиқлари, замонавий тароналар бор. Бунга ўз-ўзидан ёки осонликча эришиб бўладими?! Ориф ҳақиқий меҳнаткаш, изланишдан чарчамайди; эринчоқлик, қўл учида ижод қилиш — унинг учун тамоман ёт нарсалар. Мақом учун, ансамбль учун жонингни бер, десангиз, беради. Акбар Ҳайдаров каби бетакрор ҳофизларнинг анъаналари, усуллари ва қўшиқларини мукаддас билади. Бундай одамлар кам бўлмайди-да!..

Ҳа, академик санъаткор ўзининг садоқатли шогирди билан чексиз фахрланарди. Ориф акага астойдил ишонарди ҳам. Шу боис, сўнггги йўлга отланаётганида мақом ансамблини унга топширишни васият қилганди...

Ориф Алимахсумов устози оёққа турғизган, юксалтирган, элга танитган ансамблга қисқа муддат раҳбарлик қилган бўлса-да, анчагина ишларни амалга оширди. Энг аввало, отадек бўлиб қолган бадиий раҳбардан бемаврид ажралган жамоани мустаҳкамлади. Ёшларни дадил изланишларга даъват этиб, имкониятларини юзага чиқаришга интилди. Тўғри, масъулиятли ишни давом эттиришда якка ўзининг фикр-мулоҳазаларига таяниб қолмади. Ғанижон Тошматов, Фахриддин Содиқов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, Муҳаммаджон Мирзаев каби созанда ва бастакорлар билан бамаслаҳат иш кўрди. Айни вақтда мақомшунос олимлар билан тез-тез кўришиб, уларни жамоа ҳузурига таклиф қилиб, мусиқа, хусусан, мақом тўғрисида мулоқотлар ўтказди. Устоз Юнус Ражабий анъаналарига, ўгитларига амал қилишни ўзи учун қутлуғ шаън деб билди.

Ориф ака миллий мусиқа меросимизнинг мумтоз намуналари бўлмиш мақом куй ва қўшиқларини халққа етказишда янги изланишлардан ҳам фойдаланди. Маълумки, «Наво», «Рост», «Бузрук» мақомларининг ҳар бирида еттитадан, «Сегоҳ»да саккизта, «Дугоҳ»да ўнта, «Ироқ» мақомида эса олтита чолғу куйи бор. Уларнинг аксарияти чалиниб, ленталарга ёзиб қўйилган бўлса-да, янги ижрочиларнинг ижроси ҳамма вақт қизиқиш уйғотади. Санъаткор мусиқа мухлисларида бўладиган ана шу эҳтиёжни ҳам унутмади. Мақомчилар билан ишлар экан, оригинал талқинлар кўрсатилса, ҳеч иккиланмай қабул қилди. Сайқалланган, янгича мусиқавий безак берилган тароналар янграса жон деб репертуарга киритди.

Иқтидорли ёш мақомчиларнинг ташаббуси ва жонкуярлиги туфайли ҳам янги бадиий раҳбарнинг изланишлари самарали бўлди. Юнус Ражабий даврида ҳам, Ориф Алимахсумов раҳбарлик қилган йилларда ҳам, қолаверса, ҳозир ҳам ана шу талантли хонандалар машаққатли ижодий меҳнатдан қочмай, мақомни янги поғоналарга кўтариш учун фидоийлик кўрсатмоқдалар. Улар билан суҳбатлашсангиз Ориф акани бадиий раҳбар сифатида ҳам, хонанда сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам алоҳида муҳаббат билан таърифлайдилар.

Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий: Устанинг (биз Ориф акани ҳурматан шундай деймиз) саъйи ҳаракатлари туфайли репертуаримизда жуда кўп янги қўшиқлар пайдо бўлган. Яна бир нарса, у киши халқ қўшиқ ва куйларини ниҳоятда қаттиқ севади. Ҳозир санъаткорларимиз қуйлаб келаётган қатор тароналар бир вақтлари унутилиб кетган санъат намуналари бўлган. Уста радио қошида этнографик ансамбль тузишда жонкуярлик кўрсатаркан, биринчи навбатда ана шу қўшиқ ва куйларни юзага чиқаришни мақсад қилган эди. Устозни мана шу хизматларининг ўзи учун ҳам ҳар қанча эъзозласак арзийди.

— Мақом ансамблини Ориф акадан қабул қилиб олар эканман, анча ҳаяжонландим, — дейди Ўзбекистон ССР халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов. — Буни сезган Ориф ака менга ишонч бағишлади, далда берди. Пенсияга чиқсам ҳам бир оёғим албатта шу ерда бўлади, деди. Мана, ишлаб келяпмиз. Уста айтганига амал қиляпти. Жамоамиздан узоқлашгани йўқ. Ижодий кенгашимизда албатта қатнашади. Бироқ учрашув ёки концертда ҳамнафас бўлинг десак, йўқ демайди. Энг муҳими, ижрочилигимизни, қўшиқларимизни ҳеч қачон назардан қочирмай кузатиб боради. Ютуқлар сезса, албатта келиб табриклайди, камчиликдан огоҳ бўлса, ўз вақтида айтади, тузатишга раҳбарлик қилиб келмоқда. Маҳмуджон Тожибоев, Ҳуррият Исроилова, Эркин Рўзматов, Машраб Эрматов каби хонандалар эндиликда ўз репертуарига, ижрочилик маҳоратига, ижодий жамоаларда ўз ўрнига, овозига эга. Улар «Сайёра», «Жоним фидо», «Чўли Ироқ», «Галдир», «Бўлибтур», «Кўча боғи — II», «Бозургоний», Айлансин қулинг» сингари ўлмас тароналарни устозлари ижросида тинглаганларида беихтиёр фахрланиб кетишади. Миллий мусиқа ва ашулачилик санъатимизнинг ноёб намуналаридан саналган мазкур қўшиқлар ҳали кўп йиллар ёшларни ижодий шакллантиришда қимматли аҳамият касб этса ажаб эмас.

Ориф аканинг ўғли Носиржон ҳам ота изидан бориб, санъатда ўз кучини синаб кўрмоқда. Унинг ижросидаги бир нечта қўшиқ аллақачон санъат мухлисларига етиб борган. Носиржон падари бузрукворига муносиб хонанда бўлиш учун тинмай изланяпти.

Мусиқа санъатимизнинг фидоийси, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ориф Алимахсумов ҳозир пенсияда. Лекин, юқорида таъкидлаганимиздек, ўзининг жонажон ансамблидан узоқлашгани йўқ. Тўғри, ҳозир ҳам ишлари кам эмас. Пойтахтдаги катта маҳаллалардан бири бўлган Яккасарой маҳалласига раис. Халқ ғами билан, ташвиши билан яшайди. Шаҳар раҳбарлари Яккасаройни аҳли ҳамиша тинч-тотув яшаётган, тўй-томошалари ҳамма вақт чиройли, мазмунли ўтадиган, тоза, одамлари иноқ маҳалла деб таъкидлашади. Биз Ориф Алимахсумов маҳалласи деган гапни ҳам эшитганмиз...

— Юнус Ражабий демакдир, — Шукрки, устоз янгратган тарона баландласа баландладики, сусаймади. Лекин ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Мен Мақом ансамблининг ҳозирги жонкуярларига ишонаман. Улар ҳеч шубҳасиз янги ижодий чўққиларни забт этишади. Агар омонлик бўлса, биз, кексалар ҳам қараб турмаймиз...

Ориф Алимахсумовнинг ҳам ўз таронаси бор. Мана шу тарона муаллифи қаторида ёшларни янги ижодий юксалишларга чорлаб туришига, фаол хизмат қилишда давом этаверишига ишонамиз.

Юсуф БЕРДИЕВ.

СПОРТ

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

● **БИРИНЧИ ЛИГА.** Фарғона водийси жамоалари навбатдаги учрашуларни ўз майдонларида ўтказишмоқда. Футболчиларимиз имкониятлардан етарли фойдаланишга, мухлисларни қувонтиришга ҳаракат қилишмоқда. Зеро, Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари кутилмаганда ишқибозларни ранжитиб қўйишди. Улар «Уралмаш» футболчилари билан учрашувда дарвозадан битта жавобсиз тўп ўтказиб, қимматли қўш очкони йўқотишди. Ҳозир бу жамоа 7 та очко билан ўйинлар жадвалининг ўрта бўғинларидан жой олиб турибди. Шунингдек, Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари ҳам битта очко йўқотишди. Ваҳолонки, мухлислар навбаҳорчиларнинг ўз майдонларида мароқли ва мазмунли ўйин кўрсатадилар, деб умид қилишган эди. Учрашув эса 1:1 ҳисобида тугади. Шунга қарамай, «Навбаҳор» 11 та очко билан пешқадамлар сафидан жой олиб турибди. «Тилигул» ва «Ротор» жамоаларида 12 тадан очко бор.

УЧИНЧИ ҒАЛАБА

● **ОЛИЙ ЛИГА.** Навбатдаги тур учрашувлари мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Чемпионат пешқадами — пойтахт армиячилари учрашувни Душанбенинг «Помир» футболчилари билан ўтказишди. Бу ўйинда тожикистонлик футболчилар мавсум ўйинларини кўтаринки руҳда олиб бориб, мавқеларини мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилишаётгани кўринди. Ўйин 2:2 ҳисобида тугаб, очколар баҳам кўрилди. «Пахтакор» футболчилари ҳам бўш келишмади. Улар Владикавказ спартакчиларини қабул қилиб, рақиб дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритишди. Футболчиларимизнинг учинчи ғалабасидан кейин «Пахтакор» тўққизта очко билан 14 ўринга кўтарилди. Энди пахтакорчилар икки учрашувни сафарда — 1 июнь куни ЦСКА, 6 июнда «Арарат» майдонида ўтказишади. Чемпионатда эса ЦСКА 19 та очко билан ягона пешқадамлик қилмоқда. «Шахтёр» ҳисобида 14 та очко бор. «Спартак» (М), Торпедо (М) «Черноморец» ва «Помир» жамоаларида 13 тадан очко тўпланган.

ОБ – ҲАВО...

Ўзбекистон ССР об-ҳавони кузатиш марказидан хабар беришларига кўра, шу ҳафтада жумҳуриятда об-ҳаво беқарор бўлиб туради. Ҳавога тез-тез булут чиқади. Вақти-вақти билан сел қуяди, чақмоқ чақади. Тоғли масканларда дўл ёғиши ҳам мумкин. Кечаси 13-18, кундузи 21-26 дан 28-33 даражагача иссиқ бўлади. Жанубий вилоятларда 25-30 дан 31-36 даражагача, шимолий масканларда эса, кечаси 10-15, кундузи 22-27 даражагача иссиқ бўлади.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги тиббий даволаш ва табиий тиклаш институти мутахассисларининг фикрига кўра, об-ҳаво бундай беқарор бўлиб турадиган кунларда юрак, бош мия, томирлар шамоллаши мумкин, асаб, аъзолари ва ўпка хасталигига чалинган бемор кишилар ўзларини нохуш сезадилар. Бундай кишилар даволовчи врачнинг назоратида бўлмоғи лозим. Улар аввалги ҳафталардаги каби даволаш ва парвариш ишларини давом эттиришлари керак.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

СССР Вазирлар Кенгашининг озиқ-овқат ва харид қилиш давлат комиссияси қошидаги олий ўқув юртлари Бош бошқармаси

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991—92 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ КУЛЛИЁТЛАРГА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— кенг соҳали муҳандис-мелиораторлар тайёрлайдиган ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ куллиётига;

— кенг соҳали муҳандис-механиклар, гидромелиоратив ишлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш бўйича муҳандис-ўқитувчилар тайёрлайдиган ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ куллиётига;

— кенг соҳадаги ер тузувчи муҳандислар тайёрлайдиган ЕР ТУЗИЛИШ куллиётига;

— ремонт — эксплуатация ишларини ва қурилишни механизациялаш бўйича кенг йўналишдаги муҳандис — механиклар тайёрлайдиган ГИДРОМЕЛИОРАТИВ ИШЛАРНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ куллиётига;

— кенг соҳали муҳандис — гидротехниклар тайёрлайдиган ГИДРОТЕХНИКА ҚУРИЛИШИ куллиётига;

— кенг соҳали муҳандис — нурчилар тайёрлайдиган ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЭЛЕТРЛАШТИРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ куллиётига;

— агросаноат комплексидаги ремонт корхоналари учун муҳандис — механиклар тайёрлайдиган ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ РЕМОНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ куллиётига;

— кенг соҳали муҳандис — иқтисодчилар тайёрлайдиган СУВ ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИҚТИСОДИ куллиётига;

ОЛИЙ БИЛИМГОҲ ҚАРШИ ФИЛИАЛИНИНГ:

— ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ, МУҲАНДИС-ПЕДОГОГИКЛИК куллиётларига.

Олий билимгоҳ ҳузурида ҲАРБИЙ КАФЕДРА мавжуд.

Аризалар 25 июндан 15 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари эса 16 июл дан бошланади, билимгоҳга қабул қилинганларни рўйхатдан ўтказиш муддати — 5 августгача.

Аризага ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиги тўғрисида 086/У намунадаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, иш мухлати кўрсатилган меҳнат дафтарчаси кўчирмасининг нусхаси (агар меҳнат дафтарчаси бўлса) кабилар қўшиб топширилиши шарт.

Фуқаролик ҳақидаги ҳужжат (паспорт) ва ҳарбий мажбуриятга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилиши керак.

Барча мутахассисликлар бўйича қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширилади: математикадан (ёзма), физикадан (оғзаки), бу фанлар конкурсли имтиҳонлар ҳисобланади; конкурссиз имтиҳон — она тили ва адабиётдан ёзма иш (иншо).

Ўрта ўқув юртида рус тилини миллий мактаб дастури ҳажмида ўрганганлар ўз хоҳишига асосан иншо ўрнига рус тилидан диктант ёки баён ёзишлари мумкин.

Ўқишга кирувчилар агар ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль ёки ўрта махсус ўқув юртларини, шунингдек ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаган бўлсалар фақат математикадан (ёзма) имтиҳон топширадилар. Улар «5» баҳо олсалар, қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар, «4» ёки «3» баҳо олсалар, қолган фанлардан имтиҳон топширишга мажбурдирлар.

Олий билимгоҳга СССР олий ўқув юртларига қабул қилишнинг 1991 йилги қоидаларига асосан конкурсли имтиҳонларнинг натижасига ва баллар сонига қараб қабул қилинади.

Имтиҳонларни муваффақиятли топширган имтиёзли гувоҳномага эга истеъфодаги ҳарбий хизматчилар, етим, ота-онасиз тарбияланганлар, шунингдек тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосасига кўра билимгоҳда ўқишга рухсат берилган 1 ва 2 группа ногиронлари конкурссиз қабул қилинадилар.

Олий билимгоҳга қабул қилинганлар стипендия ва ётоқхона билан умумий қоидаларга биноан таъминланадилар.

Олий билимгоҳ манзили: 700000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Телефон: 35-75-21.

Қарши филиали манзили: 730000, Қарши шаҳри, Карл Маркс хиёбони, 225-уй, телефон: 4-13-95.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ЙЎЛИ БИЛАН

каталогда қайд қилинган, дўкондаги мавжуд ортиқча моллардан

«АЛОҚА» ДЎКОНИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ

заземлитерлар, дроселлар, гигрографлар, индикаторлар генераторлар, осциллографлар, туширувчилар, пультлар, жавонлар, тўсқичлар, стативлар, разлядловчилар, таблолар, лангарлар, ғалтаклар, кичик (микро) схемалар, блоклар, лампалар, радио, телеграф-телефон, ўлчов аппаратларнинг деталлари, асбоблари ва бошқа эҳтиёт қисмлари, АМТ-69/15 шаҳарлараро телефонларнинг автоматлари, ПКТ I таксофон ярим кабиналари, «Томчи» маркали таксофон кабиналари (янги ишлаб чиқарилган); электрон соатлар, жўнатма халталари ва брезент қоплар ҳамда бошқа моллар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри. Куйбишев узун кўчаси, 15-уй.

●

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИЛМГОҲИ

1991йилга

ҚУЙИДАГИ СОҲАЛАР БЎЙИЧА КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Фармакология — 1 та ўрин;

Органик кимё — 2 та ўрин;

Токсикология — 1 та ўрин;

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги адрес бўйича мурожаат қилинсин: 700170, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 77-уй. Аспирантура бўлими. Телефон 62-72-83.

Тошкент Давлат аграр дорилфунуни ректорати, партия ва маҳаллий уюшма ташкилотлари дорилфунуни малака ошириш куллиёти проректори, қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш кафедраси мудири, доцент М. А. Ҳошимжоновга турмуш ўртоғи

Машкурахон ЖАЛИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳи, фирқа ва касаба уюшмаси ташкилотлари, факультет жарроҳлик кафедрасининг доценти К. Н. Турсуновга укаси.

Шавкат Нишонович ТУРСУНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТСКИЙ ПИСАТЕЛЬ» ТУҲФАСИ

«ХУРОСОН ЮЛДУЗИ»

Бутуниттифоқ китобхонларига таниқли ўзбек шоири Барот Бойқобиловнинг аввал Тошкентда рус тилида чоп этилган «Нотинч Хуросон», «Шукуҳлик карвон» шеърий романлари маълум эди. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган бу йирик асарларнинг навбатдагиси — учинчиси «Сокин Хуросон» яқинда Москвада «Советский писатель» нашриётида «Хуросон юлдузи» номи билан босиб чиқарилди.

Маълумки, Алишер Навоий яшаган ва ижод этган йиллар Хуросон ва Моваройнаҳр тарихида ғоятда мураккаб даврсаналади. Барот Бойқобилов ўз асарида ана шу мураккаб, алғов-далғовли даврманзараларини чизиш, тасвирлаш билан чегараланиб қолмайди, улуғ шоирнинг мураккаб сиймосини қалбдан чуқур ҳис этиб, унинг ички маънавий дунёсини ҳам ишонарли очиб беради.

«Хуросон юлдузи» асарини «Нотинч Хуросон» ва «Шукуҳли карвон» романини таржима қилган таниқли шоир ва таржимон Гарольд Регистан рус тилига ўгирган. Китобга ишланган безаклар Юлий Карпов қаламига мансуб.

С. КОСТИРКО. Москва.

Дилшод ҳам бошқа кўпгина ёшлар қатори ўқиб, олий маълумотли бўлмоқчи эди. Лекин замона зайли, оилавий аҳвол унг касб ўрганишга мажбур этди.

— Бир ҳисобдан кулолчилик касбини танлаб ҳато қилмаган экамман, — дейди Дилшод. — Бу қадимий касб билан шуғулланиш шундай завқли эканки, бунинг маъносини энди англяяпман.

Бугунги кунда у Жиззах кулолчилик буюмлари заводи ёшларн орсида уқувли, илғор ишчилар сафидан ўрин олди, нуқул юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлашга эришяпти.

СУРАТДА: Дилшод Ҳамидов ўзи тайёрлаган совға буюм — гулдоник завқ билан кўздан кечираётган пайт.

У. ҚУШВОҚОВ туширган сурат.

• *МУЛОҚОТ* •

АЁЛ ДАРДИ—ХАЛҚ ДАРДИ

Аёл, она-бола муаммоси бугунги куннинг энг оғриқ нуқталаридан биридир. Акс ҳолда аксари халқ депутатлари дастурининг асосий бандида оналар ва болалар турмуш даражасини яхшилаш муаммоси ўрин олмас эди...

СССР халқ депутатларининг биринчи съездида хотин-қизлар муаммолари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги уқтирилди.

«Аёллар, оила аҳволини, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни яхшилашнинг давлат сиёсати асослари ҳаракат дастури» ҳаётимиздан ўрин олди.

Оналар ва болалар ҳаёт тарзини яхшилаш борасидаги Президент Фармонлари, оналар ва болаларга ғамхўрлик маъносида кетма-кет қабул қилинаётган турли қарорлару тадбирлар ва уларнинг у ёки бу даражадаги ижроси ҳам бу муаммони таг-туби билан ҳал этишга ожизлик қиляпти. Негаки, бу дард янги дард эмас. У бир йил, ўн йилларнинг эмас, балки бутун бир авлодларнинг умрига тенг келадиган даврларда газак олиб, илдиз отиб кетган дард...

Биз 70 йил мобайнида хотин-қизларни фаол меҳнатга жалб этиш ҳақида бонг уриб келдик. Фаол аёл деганда унинг оиладан ташқаридаги меҳнат жараёнидаги ютуғи кўзда тутилди. Меҳнатда чинакам илғор бўлиш учун нафақат оила, бола-чақани, балки ўзлигини ҳам унутди аёл. Оқибатда болалар тарбияси бузилди. Ёшлар орасида ўғрилик, муттаҳамлик, алдамчилик кучайди. Оилалар бузилиши эса тобора кўпайиб бормоқда... Энди аёлни уйга қайтариш муаммоси кун тартибида кўндаланг бўлиб турибди...

Бозор иқтисодиётига ўтилган оғир шароитда оила бошлиғи — эрнинг топгани бир уй жонни ебичириш, кийинтириш, орзу ҳавасига етадими?! Аёллар ни ишламанг деганингизда ҳам улар ишга отланадиган ҳаёт тарзини бошдан кечирмоқдамиз. Кўряпсизки, хотин-қизлар ҳаётининг нақ биз яшаётган тузумдек ўз зиддиятлари ва чигалликлари мавжуд.

Бектемир ноҳияси хотин-қиз фаолларининг жумҳурият шоира, ёзувчи, журналист, ижодкор аёллардан иборат бир гуруҳи билан бўлиб ўтган учрашувидаги қизғин баҳс-мунозараларга юқоридаги мавзу асос бўлди.

— Ноҳиямизда 50 дан зиёд саноат корхоналари бор. 12 минг хотин-қизларимиздан аксарияти шу комбинатларда меҳнат қилаётирлар, — деди Бектемир хотин-қизлар кенгаши раиси Хайринисо Мирзажонова. — Ўн оғиз гапдан бир шингил амалий иш афзал экан. Ишчи-хотин қизларнинг иш ҳақларини тўла сақлаган ҳолда иш соатлари бир соатга қисқартирилди. Бу тадбир хотин-қизларни иш вақтидан самарали фойдаланишга, сифатли ишлашга, интизомли бўлишга даъват этмоқда, — гапида давом этди у. — Бундан кўриниб турибдики ҳар қайси вилоят, шаҳар, ноҳия меҳнат коллективлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб хотин-қизлар турмуши, иш шароитларини яхшилаш ҳақида қайғурсалар ва бу борадаги тадбирларни оширсалар бўларкан. Бу эзгу ишларимиз йўлидаги ниятларимиз қаймоғи ҳали олдинда.

Анжуман иштирокчилари давра меҳмонлари — Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларини қизғин табрикладилар.

Мушоира, музикали қутловлардан давра соҳибалари яйраб дам олдилар.

Учрашувни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси хотин-қизлар журналист ижодкорлар кенгаши билан Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгаши фаоллари ҳамкорликда ташкил этдилар.

Д. МАҲМУДОВА.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет иқтисоди — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5881.

№ 95. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12